



WWW.FINANS.UZ

# MOLIYACHI МА'ЛУМОТНОМАСИ

БЮЛЛЕТЕНЬ

2018 SENTYABR 9 (81)-SON BYULETEN

## СПРАВОЧНИК ФИНАНСОВОГО РАБОТНИКА



## МУНДАРИЖА

### БЮДЖЕТ ТИЗИМИ

Александр ЛИ Дастурий бюджетлаштириш ва ундан фойдаланиш амалиёти .....	2
---	---

### БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

Муҳаммадали ҚОСИМОВ Давлат бюджетининг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ва ундан фойдалана- ниш тартиби .....	10
--	----

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Шахло МАҲКАМОВА Жамият стратификацияси мониторинги.....	20
--	----

### ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ТАКЛИФЛАР

Санжар БОЛТАЕВ Оилавий тадбиркорликнинг шаклланиш ва ривожланиш истиқболлари .....	27
--	----

### ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Шерзод РАЖАБОВ Нодавлат пенсия жамғармаларининг инвестицион фаолиятини амалга оширишда хорижий давлатлар тажрибаси .....	32
---	----

### ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Олимжон МАМАДИЁРОВ Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари .....	40
--	----

### ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ СОҲАСИГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҶУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида .....	45
--	----

### СЕМИНАРЛАР, КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

Бахтиёр ҚАЮМОВ Коррупция – миллий хавфсизликка таҳдид .....	48
--	----

## СОДЕРЖАНИЕ

### БЮДЖЕТНАЯ СИСТЕМА

Александр ЛИ Программное бюджетирование и практика его использования .....	50
--	----

### БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ И ОТЧЕТНОСТЬ

Муҳаммадали ҚАСЫМОВ Порядок размещения и использования временно свободных средств Государственного бюджета на депозитах коммерческих банков .....	58
--	----

### СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА

Шахло МАҲКАМОВА Мониторинг стратификации общества .....	67
--	----

### НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ

Санжар БОЛТАЕВ Формирование и перспективы развития семейного предпринимательства .....	74
--	----

### МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ

Шерзод РАЖАБОВ Опыт зарубежных государств по осуществлению инвестиционной деятельности негосударственных пенсионных фондов .....	79
---	----

### ПРОДОВОЛЬСТВЕННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ

Олимжон МАМАДИЁРОВ Приоритетные направления обеспечения продовольственной безопасности в Узбекистане .....	87
--	----

### НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ АКТЫ В СФЕРЕ ЭКОНОМИКИ И ФИНАНСОВ

О мерах по обеспечению открытости бюджетных данных и активного участия граждан в бюджетном процессе .....	92
---	----

### СЕМИНАРЫ, КОНФЕРЕНЦИИ

Бахтиёр ҚАЮМОВ Коррупция – угроза национальной безопасности .....	96
--	----



Олимжон МАМАДИЁРОВ,  
Тошкент молия институти  
докторанти

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг буғунги ҳолати ва мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг уствор йўналишлари кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** озиқ-овқат маҳсулотлари, аҳоли талаби, озиқ-овқат хавфсизлиги, озиқ-овқат саноати, инвестиция, экспорт, импорт, саноат маҳсулотлари.

**Аннотация.** В статье рассматривается текущее состояние продовольственной безопасности и приоритетные направления праводимых в стране последовательных реформ..

**Ключевые слова:** пищевые продукты, спрос населения, продовольственная безопасность, пищевая промышленность, инвестиции, экспорт, импорт, промышленная продукция.

**Annotation.** The article examines the current state of food security and priority areas for successive reforms in the country.

**Key words:** food products, populations demand, food security, food industry, investment, export, import, industrial products.

Озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолининг талабларига мос равишда ва арzon нархларда ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш масаласи бутун жаҳон мамлакатлари олдида турган долзарб муаммалардан бири эканлиги маълум. Ер юзида аҳоли сонининг муттасил ортиб бораётгани уларнинг эҳтиёжи эса ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан бу муаммони тобора мураккаблаштироқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралди. Аҳоли жон бошига нисбатан ғалла, гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавот каби асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори муттасил равишда ошириб борилди, шунингдек, уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш борасида хорижий ташкилотлар ва сармоядорлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натижада, бугунга келиб барча асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилиб, юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг З-бўлими иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Бунда 2017-2021 йиллар давомида:

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлан-

ган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

– озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот, картошка ва үзум ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш;

– мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, жумладан, сабзавот – 105,7 фоиз, картошка – 106,3 фоиз, полиз – 106,1 фоиз, мева – 106 фоиз, үзум – 105,7 фоиз, гўшт – 105,6 фоиз, сут – 108,1 фоиз, тухум – 111,3 фоиз, балиқ – 120 фоиз ва асал – 118,2 фоизга;

– 394 гектар майдонга 503 та иссиқхона хўжаликлари ва 6885 та аҳоли шахсий томорқаларидаги 176 гектар майдонда иссиқхоналар қуриш;

– аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларида муқобил электроэнергия манбаларидан фойдаланиладиган енгил конструкцияли иссиқхоналар, кичик паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик хўжаликларини тузиш ва бошқа юқори самарали ва юқори даромадли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш стратегик вазифа сифатида белгилаб берилган [1].

Республика миқёсида доимий аҳолининг ўсиш суръати 101,7 фоизни ташкил этган ҳолда, ҳудудлар кесимида 2018 йил 1 январь ҳолатига доимий аҳолининг ўсиш суръатининг энг баланди Сурхондарё вилоятида 102,1 фоизни, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида 100,9 фоизни ташкил этгани ҳолда энг паст ўсиш суръати Тошкент вилоятида 100,1 фоизни ташкил этди (1-жадвал).

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича 2018 йил 1 январь  
ҳолатига кўра доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот<sup>1</sup>**

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ӯсиш суръати, %		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		шахар	қишлоқ		шахар	қишлоқ
Ўзбекистон Республикаси	32 653,9	16 533,9	16 120,0	101,7	101,7	101,6
Қорақалпоғистон Республикаси	1 842,4	905,6	936,8	101,4	101,2	101,5
<i>Вилоятлар:</i>						
Андижон	3 011,6	1 576,5	1 435,1	101,7	101,6	101,7
Бухоро	1 870,0	698,6	1 171,4	101,4	101,0	101,7
Жиззах	1 324,9	622,2	702,7	101,8	101,7	102,0
Қашқадарё	3 148,1	1 358,4	1 789,7	101,9	102,4	101,5
Навоий	957,8	467,5	490,3	101,6	101,4	101,7
Наманган	2 699,0	1 743,2	955,8	101,8	101,5	102,1
Самарқанд	3 719,6	1 390,9	2 328,7	101,9	101,3	102,2
Сўрхондарё	2 513,1	892,9	1 620,2	102,1	101,7	102,2
Сирдарё	815,7	349,8	465,9	101,6	101,1	101,9
Тошкент	2 861,3	1 412,3	1 449,0	101,1	102,3	100,1
Фарғона	3 620,1	2 049,6	1 570,5	101,6	101,3	101,8
Хоразм	1 804,7	600,8	1 203,9	101,6	104,9	100,0
Тошкент шаҳри	2 465,6	2 465,6	X	101,7	101,7	X

Юртимиз аҳоли сонининг йилдан-йилга ортиб бориши ва мосравища уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларининг ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда, республикамиз табиий-иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланиб, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлигини Президентимиз Ш. М. Мирзиёев 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сонли «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида алоҳида таъкидлади. Фармонда 2018-2020 йил-

ларда республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиниши таъкидланган [2].

Доимий равища ортиб бораётган мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 марта «2015-2019 йилларда ишлаб чиқариши таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бў-

<sup>1</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.


йича чора-тадбирлар түғрисида»ги Фармонида озиқ-овқат саноати соҳасида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш ва қувватларни ошириш мақсадида 2020 йилга қадар фақат давлат инвестиция дастурларига кўра 304 та йирик лойиҳалар ва 5000 та янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиши режалаштирилганлиги ҳамда йилига қўшимча равишда 100 минг тонна озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, 130 хилдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон бериши кўрсатиб ўтилган [3]. Мазкур лойиҳаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада жадалаштириш, янги технологияларни жорий этиш ва хом ашёни чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилади ҳамда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 3 мартағи ПФ-2505-сонли «2016-2020 йилларда хом-ашё базасини ривожлантириш, мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш чора-тадбирлари түғрисида»ги Қарорида 596 млн доллар миқдорда 180 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган. Шундан хорижий инвестициялар ва халқаро молия ташкилотларининг кредитлари ҳисобига 74 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутил-

ган бўлиб, бўнга 163 млн доллар миқдоридаги маблағ ажратилиши белгиланган [4].

Озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси зиммасига озиқ-овқат товарлари нархини пасайтириш ва барқарорлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги сансалорлик ва бюрократияни бартараф этиш, шунингдек, республикада ишчанлик мухитини яхшилаш бўйича асослантирилган таклифлар киритиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари, жумладан, аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт ва импорт қилувчилар, чет эллик инвесторлар ва хорижий ҳамкорлар билан доимий асосда мунтазам очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотларни ташкил этиш вазифаси юқлатилган [5].

Олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар натижасида бугунги кунда республика мизда саноат ривожланиши билан бир қаторда озиқ-овқат саноати ҳам жадал ривожланиб боромқда. 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра мамлакатимиз саноат маҳсулотлари таркибида озиқ-овқат саноатининг улуши 19,6 фоизни ташкил этади ёки жами 144 185,3 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 28 332,3 млрд сўми озиқ-овқат саноати ҳиссасига тўғри келади (1-расм). Ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2016 йилда 24 фоиз, 2015 йилда 18,2 фоиз ва 2014 йилда 16 фоизни ташкил этган.



1-расм. Республика қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатлари динамикаси, 2014-2017 йиллар ҳисобида, млрд сўмда<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида мўаллифнинг ҳисоб-китоби.

Юқоридаги статистика маълумотларига кўра, озиқ-овқат саноати улуши 2014-2016 йиллар мобайнида ўсиш тенденцияси мавжуд бўлган, 2017 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш улуши 19,6 фоизни ташкил этиши озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини камайиши билан эмас, балки саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми нисбатан кўпайганлиги билан изоҳланади. 2016 йилда 26 708,4 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2017 йилда 28 332,3 млрд сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган яъни 2016 йилга нисбатан 1623,9 млрд сўмлик кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу ижобий тенденция фақатгина сон жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ошиб бораётганлиги дикқатга сазовор.

Республикамизда аҳоли сони йилдан-йилга ортиб бормоқда ва уларни етарли даражада сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланганлиги сабабли саноат тармоқларини, жумладан, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш учун қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўл-

лаб-қувватлаш, республика бозорида уларнинг устунликка эга бўлишини таъминлаш, рақобатбардошлигини ошириш ва маҳаллий маҳсулотларни айирбошлаш озиқ-овқат бозорларини кенгайтиришга қаратилган.

Хулоса ўрнида, бугунги кунда юртимизда озиқ-овқат хавфсизлиги жаҳон талаблари даражасида таъминланиб бораётганлиги ва бу борада олиб борилаётган ишлар Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги (ФАО) томонидан дунёнинг бошқа давлатларига ўрнак бўлиб кўрсатилаётганлиги мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар чуқур йўлга қўйилганлигини айтиш мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарышда доимий ўсиш тенденциясига эга бўлган юртимиз аҳолисини тўйимли ва зарарсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бу борада тадбиркорлар фаоллигини ошириш ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланиб жаҳон бозорида рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг экспорт қилинишига муносиб шароитлар яратиш, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ва импорти мутаносиблигини таъминлаш орқали дунё ҳамжамиятининг асосий муаммоларидан бирини ҳал қилишга ўз хиссамизни қўшишимиз лозим.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сонли «Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартағи ПФ-4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқариши таркиби ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 3 мартағи ПФ-2505-сонли «2016-2020 йилларда хом-ашё базасини ривожлантириш, мева-сабзавот, гўшт-сүт маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сонли «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.